

Нуротанинг
"мўъжаз академия" си



2



Дориломон кунлар
қадрига етинг

3



2012 йил арафасидаги ўйлар



4

8



«Уддабурон Қорбобо»

Оила **Ва**

52 (1049)-сон
28 декабрь 2011 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Web-site: oilavajamiyat.uz

Жамият

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лапҳаси.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2011 йил 31 декабрь
шанба дам олиш кунини
2012 йил 2 январь душанба
кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг
дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақ-
садида:

2011 йил 31 декабрь шанба дам олиш куни 2012
йил 2 январь душанба кунига кўчирилсин;

2011 йил 31 декабрь шанба куни иш куни деб эълон
қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 декабрь

**АССАЛОМ,
МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ**

Тонгги оппоқ тилак учун бахтли

келгин,

Тилаклари юксак учун бахтли келгин,

Юртим деган юрак учун бахтли

келгин,

Ассалом, Мустаҳкам оила йили.

Шодиёналар истиқлолнинг тимсолидир,
Бахтли элнинг жамолидир, камолидир,
Осудалик келар йиллар иқболидир,
Ассалом, Мустаҳкам оила йили.

Дуо қилган момоларим юзга кирсин,
Боболарим тўйдан чиқиб, тўйга борсин,
Ҳар гўшада карнай-сурнай янграб

турсин,

Ассалом, Мустаҳкам оила йили.

Оила биз учун азал муқаррам,
Ота-она номи азиз, муҳтарам,
Оила мустаҳкам — давлат мустаҳкам,
Ассалом, Мустаҳкам оила йили.

Уйдан кулиб чиққан одамлар бахтли
Уйга кулиб кирган одамлар бахтли,
Оилада бахтли — оламда бахтли,
Ассалом, Мустаҳкам оила йили!

Зулфия МҶМИНОВА

Хонимбуви ВАЛИЕВА,
тумандаги 3-сонли мактабгача таълим муассасаси раҳбари, туман кенгаши депутати:

— Албатта, мингдан минг розиман. Ҳақ оилам, маҳаллам мисолида айтадиган бўлсам, қанча хайрли ишларга қўл урилади. Айниқса, мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги арафасида кўкрак нишони билан тақдирланганим менинг учун энг унутилмас воқеа бўлди.

Муассасамизда ҳам мақтанса арзигулик ўзгаришлар кўп, қай бирини айтишим. Биринчи навбатда "Мактаб — маҳалла — оила" уйғунлиги ижобий самаралар бераётганини таъкидлашни истардим. Аҳил ва иноқ жамоамиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эришиш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишляпти.

Латиф ВАЛИЕВ,
"Мингчинор" ҚФЙ раиси:

— Яхшиси, кўпроқ йиғинимиз ҳаётига оид аниқликлар хусусида гапира қолай: худудимизда сал кам 12 минг аҳоли иштирок қилади. Бу ерда хизмат кўрсатиш ва сервис қоллежи, 2 та ҚВП, мактаб ва боғчалар фаолият кўрсатяпти. Қувончли жиҳати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилди. Оддий бир мисол, тадбиркор Абдуманноп Абдувоҳидов ўн минг бош товукка мўлжалланган товукхонани ишга тушириб, 15 нафар кишини иш билан таъминлади. Қанчалар рўзгорларга хайр-баракани кирди, аҳолимизнинг парҳезоб товук



гўшти ва туҳумга бўлган эҳтиёжи қондирилатганини айтмайсизми? Нархлари ҳам арзон. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришим мумкин. Энг муҳими, йил сайин элдошларимизнинг ҳаёти фаровонлашиб, дастурхони тўкин бўлиб бораёпти.

Фурсатдан фойдаланиб, бир-бирларига меҳр-оқибатли, аҳил мингчинорликлар номидан барча юртдошларимизни 2012 — "Мустақам оила йили" билан чин юракдан табриклаймиз.

Рисгул ТБОКЕЛДИЕВА,
"Диёра Камола" хусусий корхонаси раҳбари:

— Бизнинг Дўстобод шаҳрига бундан

Анъанага кўра, ҳар йили мамлакатимиз миқёсида, энг аввало, жамиятнинг "асосий бўғини" ҳисобланган оилаларда, қолаверса, маҳалла-қўй ва бошқа қатор соҳа, тармоқларда эришилган ютуқлар, амалга ошмай қолган режалар бирма-бир таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Шу маънода Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида ҳам аяқланаётган 2011 — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" сарҳисоб этилмоқда. Бугунги суҳбатдошларимиз — турли соҳа вакиллари. Улар "Ҳўш, 2011 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Тарих зарурагига битилаётган йилдан розимисиз?" деган саволларга қуйидаги мазмунда жавоб беришди.

Шукронага ундаган сарҳисоб

Ўн йил аввал келган киши энди адашиб қолади, десам янглишмайман. Тушимизга кирмаган ўзгаришлар бўлди. Биргина ўз оиламиз ҳаётида рўй берган янгиликларни гапирсам, 15 йил аввал турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, савдо соҳаси бўйича тадбиркорликни бошлаган эдик. Шаҳримиз аҳолиси эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, дўкон ва чойхоналар қуриб, ишга туширдик. Шу йиллар ичида тўрт фарзандимиз ҳам вояга етиб, мана бугун улар ҳам қанотимизга киришди. Давлатимиз кўмағида ўзимизни анча тиклаб олган, қолипни нош ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу борада "Агробанк"нинг туман филиали томонидан ажратилган 25 миллион сўмлик кредит анча қўл келди.

Президентимизнинг 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номлаганликлари бизларни янада руҳлантириб юборди ва «Халқ банки»нинг туман филиалидан 100 миллион кредит олиб, 350 ўринли "Гранд Нур" тўйхонасини ҳам ишга туширдик. Бугунги кунда хусусий корхонамизда қирқдан зиёд ёшлар иш билан банд. Албатта, ўлаётган йил нафақат бизнинг оиламиз, балки корхонамиз, шаҳримиз аҳли учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Тилагим, янги йил ҳам худди ана шундай сермазмун ва хайр-баракали келишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Саодат ҚАРШИБОВЕВА,
13-сонли давлат махсус мактабгача таълим муассасаси раҳбари:

— Муассасамизда бугунги кунда 86 нафар тарбияланувчи бўлса, уларга 38 нафар ходим беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Логопедлардан Нафиса Саидхўжаева, Марҳамат Тоирова, расом Нар-

гиза Ҳайдарова ва бошқа ўз касбини чин дилдан севган фидойи мураббийлар номини фахр билан тилга олсам арзийди.

Янги йил чин маънода болажонлар байрами бўлгани учун ўз фарзандларимиздан ҳам кўра бу ердаги тарбияланувчилар кўнглини чоғ этмоқ ҳақида кўпроқ қайғураемиз. Шу боис ҳозирданоқ махсус байрам дастури тайёрлаш билан бандимиз. Насиб этса, 2012 йил ҳам бизлар хайрлашаётган 2011 йил каби жуда гўзал ва эсда қоларли байрамларга бой бўлади.

Муқаддас ЖАББОРОВА,
тадбиркор:

— Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, мустақиллик шарофати туфайли, қолаверса, давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган доно ва оқил сиёсати мевасидир, десам муболага қилмайман.

Оддий мисол: агар мен 20 йил аввал хўжалик моллари дўкони очганимда, ҳолим не кечарди? Бугун қаранг, тадбиркорлик, ишбилармонлик қилган одамга ҳукуматимиз қандай қулайлик ва имтиёзлар яратиб берди. Бу кунларни қадрига етиш керак. Ўзимизни эмас, эртага изимиздан келаётган авлодлар тақдирини учун ҳам қайғурайлик. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиз биздан кўра, ақлли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари керак.

Мен чин юракдан барча юртдошларимни янги йил билан қутлайман. Мустақам оила йили муборак бўлсин, азизлар!

"Оила ва жамият" муҳбири
Нигора ҲУРОЛОВА ёзиб олди.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

намуналарини меҳр билан ўрганиб, тикишаётганини кўриб қўзлар қувнайди.

— Мен етти ёшимдан бошлаб кашта тикишга қизиқардим, — дейди Сайёра. — Оиламизда қўлигул каштачилар кўпчилиги ташкил этарди-да. Ҳозир мен еттинчи синфда ўқияман. Келгусида ўқишни давом эттириб, хунармандчилик

Иқтидорли ўқувчилардан бири Ойдин Зокиров эса асосан тасвирий санъатга меҳр қўйган. Табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси, оддий кишлоқ ҳаёти уни кўпроқ қизиқтиради. Устози, Ўзбекистон Бадий академияси бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Навоий маданият ва санъат коллежи кафедра мудири Наимжон Қодиров шогирди ҳақида шундай фикрларни баён этди: — Ойдинда тасвирий санъатга бўлган қизиқиш кучли. У нафақат бошқалар кўриб, англаб ололмаган манзараларни чизади, балки тасвири чукур ҳис қила олиш маҳорати, сезгирлиги кучлилиги билан ажралиб туради...

— Бу мактаб-интернат жамоасидан биз ниҳоятда миннатдоримиз. Нега десангиз, худудда яшаётган хотин-қизларга касб-хунар ўргатишда ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Ҳеч иккиланмай бу даргоҳни "кичик академия" десак муболага бўлмайди. Ҳали кўрасиз, бу мактабда ўқиган ўқувчиларимиз юртимиз довуғини дунёга танитишга ўз хиссаларини қўшади, — дейди Нурота туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Файзиева.

Ш. СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Навоий вилояти.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Саховат ёрдами кўрсатилди

Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси кўп йиллардан бери мамлакатимиз миқёсида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларнинг турли хасталикларга чалинган фарзандларини ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга баҳоли қудрат кўмак бериб келаётди.

— 2002 йили Соғлиқни сақлаш ва зирлиги, Германиянинг "Фриденздорф Интернейшл" халқроқ ташкилоти ҳамда жамғармамиз ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси ижрочи директори Нозим МҮМИНОВ. — Маълумки, бугунги кунда "Фриденздорф Интернейшл" дунёдаги 35 дан ортиқ давлат билан ҳамкорликда махсус дастур асосида фаолият юритади. Айниқса, маъмур ташкилотнинг ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланаётгани самарали натижалар бермоқда. Масалан, тўққиз йилдан бери "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси билан тузилган келишувга асосан республикамиз бўйича 200 нафардан ортиқ болалар Германиядаги нуфузли клиникаларда соғломлаштирилди, 64 нафар юрагида туғма нуқсонли бор бола эса Жанубий Корея Республикаси ва мамлакатимиздаги махсус шифо масканларида даволанди.

Жорий йилнинг ўзида 20 нафар бола Германияда ўз саломатлигини тиклаб келишди. Ҳозирги кунда эса 11 нафар 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил-қизларимиз шу давлатда даволаш курсларини ўтатишди. Шунингдек, саховат ёрдамлари кўрсатиш борасида катта тажрибага эга маъмур халқроқ ташкилотнинг грант маблағлари ҳисобига жорий йилда республикамиз бўйича жами 430 нафар туғма лаб танглай нуқсонли, туғма оёқ нуқсонли (маймоқлик) ва "қийшиқ бўйин" ташхиси билан 15 ёшгача бўлган болаларда 38 млн. сўмлик жарроҳлик операциялари ўтказилди. Яна бир эътиборли томони, республикамиздаги клиникаларда ҳам жами 2600 нафар болалар операция қилиниб, соғломлаштирилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Танлов яқунланди

Муқимий номдаги мусикали драма театрида "Экосан" халқроқ жамоат ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Тошкент экологияси: менинг уйим — менинг шаҳрим!" кўрик-танлови яқунланди. Ободонлаштириш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб улуш қўшган жамоалар махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Миркарим МИРСУВУРОВ,
"Экосан" халқроқ жамоат
ташкilotи бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Навоий вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати Нуротада фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозир нафар иқтидорли ёшлар таҳсил олаётган маъмур даргоҳда Ойбек Каримов, Давлатхон Юнусова, Гулисхон Каримова сингари малакали мураббийлар ёшларга сабоқ беришляпти.

Нуротанинг

"мўъжаз академия"си

— Қувончлиси, мактабимиз ўқувчилари Сайёра Зиёдуллаева ҳамда Ойдин Зокировлар "Келажақ авлод" ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди ва республика босқичига йўлланма олишди, — дейди мактаб-интернат директори Аминжон Қодиров. — Насиб этса, ҳал қилувчи босқичда ҳам улар бизнинг ишончимизни оқлайди деб ўйлаймиз.

Ҳалилардан бири Сайёра Зиёдуллаева ўқиётган синфхонага йўл олди. Ўқувчилар устозлари Муҳаррам Ражабова раҳбарлигида кўхна Нуротанинг миллий каштачилик



соҳаси бўйича тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятим бор.

Дориломон кунлар қадрига етинг

— дейди каттақўрғонлик 90 ёшли Шокиржон ота Шарипов

Каттақўрғонликларнинг аксарияти бу оилани яхши билади, десақ муболага бўлмас. Негаки, Шокир ота Шарипов бир умр эл хизматини қилган одам. Хаётнинг қутилмаган синовлари, етимлик азоблари, қолаверса, яхши инсонларнинг меҳмуруввати уни тоблади. Қандай қилиб бўлмасин, илмли бўлмоққа интилди. Дастлаб зооветеринария техникумида ўқиб, иш ўрганди, кейинчалик эса чорвачилик соҳасини чуқурроқ эгаллаш мақсадида Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтида ҳам таҳсил кўрди. Хуллас, неча ўн йиллар давомида ўз касбининг фидоийси сифатида қадр топди, элдошлари дуосини олиб, пенсияга чиққанига ҳам анча бўлди...

— Ишга ўрганган одам уйда бир кун ҳам бекор ўтиролмас экан, — дейди Шокир ота биз билан суҳбатда. — Авваллари, қанийди, шу пенсияга чиқсам, мазза қилиб невараларга қараб ўтираман, деб ўйлардим. Қайда, болаларим ҳар қанча қаршилик қилсам, аввалига бир парчагина ховлимизда мўъжазгина боғ яратиб, зироатчилик билан шўғулландим. Эртдан кечгача тинмайман денг, баъзан чой ичиш ҳам эсдан чиқиб кетарди. Сизга ёлгон, ўзимга чин, бор меҳрингизни бераверсангиз, ҳатто дараклар ҳам фарзандингизга ўхшаб қолар экан.

Шундай кунларнинг бирида Шокир аханикига Баҳриддин Шомаматов келди. Салом-алиқдан кейин у маҳалладошлар ўзаро маслаҳатлашиб, отахоннинг номзодини оқсоқолликка тавсия этишганини айтганида ўйлиани қолди. Лекин кўнглида кўпгина эзгу ниятлари борлиги



боис "Билмадим, агар сизлар ёнимда турсангизлар ишлайман", деди. Шундан кейин кўпчилик уни Миёнқўл маҳалласига бир овоздан раисликка сайлашди. Ота-хон бу ахил масканга бошчи бўлган йил-

лари ҳашар йўли билан шинамгина маъмурий гузар қурилиб, атрофи чиройли қилиб ободонлаштирилди, ички йўллар асфальтланди.

— Шокир ота ўша йиллари тажрибали ва қаттиққўл маҳалла раиси сифатида шахримизда обрў қозонган эди, — дейди "Шаҳидлар хотираси" жамғармасининг Каттақўрғон шаҳар бўлими раиси Исматилла Умаров. — Ишонасими, ўтказиладиган тўй-маросимлар анча тартибга келтирилди, ўзини кўрсатиб қўйишга интиладиганлар ҳам обдон ўйлаб бирор тадбир ўтказадиган бўлган эди. Эътиборли томони, аслида, бу хонадон Каттақўрғонда энг намунали оилалардан бири сифатида тан олингандир.

— Бизнинг турмуш қурганимизга олти-миш беш йил тўлди, — дейди юз-кўзла-

ридан нур ёғилиб турган Солиҳа ая. — Бу ҳазилакам муддат эмас, эҳ-е, қандай кунларни бошдан кечирдик. Очарчилик, уруш, қатагонлар... Энди эсласам, йиғлагим келади. 1991 йил 1 сентябрь куни бугунгидек эсимда, болам. Илоё, минг йиллар яшасин Юртбошимиз, Ўзбекистонимизни мустақил деб эълон қилганликларини болаларимдан эшитиб, Оллоҳга шукроналар айтдим, йиғлаб-йиғлаб дуолар қилдим. Ота-боболаримизнинг тушларига қирмаган кунларни, тўкин, обод замонларни кўрмоқ бизларга nasib этди. Мустақиллик шарофати билан чол-кампи муборак ҳаж зиёратига бориб келдик. Яратганга шукр, тилагим, ёшлар бундай давру давронларнинг қадрига етсин!

Дарвоқе, салкам бир асрга яқин умр-ни яшаб қўйган Шокир ота ва 85 ёшли қаршилаган Солиҳа аяларнинг фарзандлари Рустамбек, Адҳамбек, Хуснибону, Раънохон, Гавҳархонлар ҳам аллақачон ҳаётда ўз ўринларини топиб, бугун уларнинг ўзлари ибратли оилабoshiлари, бекалари саналади. Дуоғўй отахон ва онахон бугунги кунда ўттиздан ортиқ невара, йигирма нафарга яқин чевара, 16 нафар эвара қуршовида бахтли ҳаёт нашидасини суршияпти.

Оддий ҳаёт ҳақиқати шундай: ўз оиласида бахтли, саодатли бўлолган инсонгина жамиятда ҳам обрў-эътибор қозона олади. Ниятимиз, бугунги лавҳамиз қахрамонлари Шокир ота ва Солиҳа аянинг ибратли тақдири ҳаммамизга насиб этсин!

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Самарқанд вилояти.

Бу қўрғоннинг чароғбони ўзимиз

Юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном беришдек хайрли анъана шакланган. Шу орқали бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналиш белгилаб олинади. Кўзда тутилган асосий мақсадларни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимиз сафарбар этилади.

Барчамиз яхши тушунаимиз, ҳозирги шароитда ўз ечимини кўтиб турган, бир-биридан муҳим, долзарб масалалар кам эмас. Шу боис улар орасидан бирламчи, иккиламчи вазифа-

ларни аниқлаб олишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Ўзбек халқи менталитетидан келиб чиқсак, оила қўрғонининг мустаҳкамлиги ҳар нарсадан устун. Қолаверса, бу омил сарҳадларини тор доира билан чегаралаб бўлмайди, балки жамиятдаги жуда кўплаб жабҳаларга бевосита ёки билвосита алоқадорлик касб этади. Шу маънода, Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилга юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилишини тўла қўллаб-қувватламоқ зарур.

Хуқуқий демократик давлат барпо этиш сари борар эканмиз, жамият ҳаётидаги ҳар бир ҳодисанинг биринчи навбатда хуқуқий асоси шакллантирилиши лозим-

лигидан хабардормиз. Оила институти ҳақида гапирганда, миллий конунчилигимизда сезиларли ишлар қилинганга гувоҳ бўламиз. Аммо дақиқа сайин ўзгариб бораётган замон ҳар бир масалага янгича нигоҳ билан қарашни тақозо этади. Шу боис "мустаҳкам оила" гоёси, энг аввало, янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва меъёрларда акс этиши, бунда эса бугунги ва эртанги кун талаблари эътиборга олиниши ниҳоятда муҳимдир.

Ҳаммамизга маълумки, оила мустаҳкамлиги, энг аввало, ёшларнинг ўзига — ақл-заковати, маънавияти, бурчи ва масъулиятга дахлдор масала. Қолаверса, миллат маънавий ҳаётини

юксалтириш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтириш, азалий қадриятларимизга мутлақо зид гоёларга қарши туриш ҳар жиҳатдан оила мустаҳкамлиги билан боғлиқдир. Шу маънода келгуси йили, Президентимиз таъбири билан айтганда, оила қўрғонининг ҳам чиройли, ҳам чароғбони бўлган аёл эътиборининг, опа-сингилларимизнинг маънавияти, хуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш ҳам янада муҳимроқ масалалардан бирига айланиши шубҳасиз. Бинобарин, "Мустаҳкам оила" гоёсининг ҳаётдаги амалий ифодасини кўришда давлат муассасалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари, кенг жамоатчилик бир ёқадан бoш қариб ҳаракат қилиши зарур. Ўйлаймизки, мазкур ҳалқда адлия тизими идоралари ҳам муносиб ўрин тутади.

Рохатой НОРҚУЛОВА,
Жиззах шаҳар ФХДЁ бўлими мудир.

Исминг — хуснинг

Кўпинча арзимас деб қараладиган нарсалар қачонлардир катта кўнглисизликларга, ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай ишлардан бири фарзандларга исм танлашдир. Афсуски, ҳатто бугунгидек ривожланган замонда, киши номи унинг тақдирига бевосита ёки билвосита таъсир этиши илмий исботланган бир пайтда ҳам лақабга ўхшаб сўзлар билан аталадиган одамлар учраб туради.

Яқинда бир киши ФХДЁ бўлимига келиб, қизининг исминини ўзгартириб беришимизни илтимос қилди. Қизалоқнинг номи Райхон экан. Шунини Ратха деб ўзгартиришни ният қилибди. Сабаби, ҳинд киносидаги Ратха унга жуда ёққан эмиш. Қизнинг ўша кинодаги қахрамонга ўхшаб чиройли, ақлли бўлишини хоҳлабди. Ҳа, одамлар орасида фарзандлари тақдирини миллийлигимизга умуман ёт, ҳатто маъносиз маъхум сўзларга боғлаб қўйиш ҳоллари кўпайиб бораёттир. Бугун воз кечилган Теша, Болта, Ўроқ каби отлар ҳам уларнинг олдида пешроқ, аслида. Ҳарҳолда, миллий-да!

Тўғри, Оила кодексининг 228-моддасига биноан исмга ўзгартиришлар киритиш мумкин. Лекин ном ҳам инсон учун тана аъзосидек гап, уни ҳадеб ўзгартириб бўлмайди. Қолаверса, исм бир-икки кунлик эмас, одамга бир умр йўлдош бўлади. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан тортиб, фуқаролик паспортига — барча расмий ҳужжатларда қайд этилади. Яна ортиқча оворагарчиликдан нима фойда? Бу ҳақда ўз вақтида ўйлаб иш тутган маъқул эмасми?!

Зухраҳон ЭРМАТОВА,
Фарғона вилояти,
Данғара тумани
ФХДЁ бўлими мудир.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ҚАРМАНА ТУМАН БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

мамлакатимиз ахлини ҳамда соҳамиз вакилларини Янги йил байрами билан ён дилдан қутлайди!
Мустаҳкам оила йилида ҳам барфа хонадонларга сикхат-саломатлик, хотиржамлик ва шодмонлик ёр бўлишини тилаймиз.



РЕКЛАМА

Янги йилингиз муборак бўлсин!



Мучал тақвими бўйича 2012 йил Балиқ йили деб аталади. Айрим қадим тахминларга кўра, бу йил шиддатли воқеа-ҳодисалар, кутилмаган янгилик ва кашфиётларга бой бўлиши кутилмоқда. Ҳар бир шахснинг қобилияти, продаси синовдан ўтказилади. Ижодкор ва олимларга янги-янги асарлар, лойиҳалар яратилиш учун имконият эниклари очилади. Меҳнат қилмасдан осонгина роҳатини қўзлайдиган, фақат омадига таяниб иш кўрадиган кимсаларнинг эса ҳоли вой бўлади. Дангаса, боқибегам кишилар ўз-ўзидан четга сурилиб қолади. Ахир, доволар ҳаракатда — баракат, деб бекорга айтишмаган-да. 2012 йил мучал соҳибларига ҳам имкониятлар даври бўлиши кутилмоқда. Аммо улар учун ҳам ўша қоида: тинмай меҳнат қилиш, ўз устида ишлаш зарур.

Балиқ йилда ўз мучал ёшини нишонлайдиган турли соҳа вакилларига газетамизнинг аъёнавий саволлари билан муурожаат этдик:



1. Ўтиб бораётган йил ҳаётингизда қандай из қолдири?
2. Мучал йилингиздан нималарни кутаясиз?
3. Байрам тилакларингиз?

Дилларда умрбод қолгин, Янги йил!

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири
(1952 йили туғилган)

1. Ўтаётган йилдан розиман. Набирам Комила дунёга келди. Кенжа қизим Райҳонанинг тўйини ўтказдик. Шундай кунларга етказгани учун Аллоҳдан миннатдорман, шукрона айтаман.

Бу йил «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалини тайёрлаш жараёнида сценарий муаллифи сифатида катнашдим. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда ташкил этилган ва асосий гоёси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аъёналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ортишига хизмат қилиб келмоқда. Ҳаммамиз кўрдик, гувоҳ бўлдик: фестивалъ жуда юксак савияда ўтди. Ўзбекининг атоқли режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан 16 йилдан буён мана шу ажойиб байрам кечасини тайёрлашда сценарий муаллифи сифатида катнашиб келаётганимдан, дунёда эзгуликнинг ошишига хизмат қилаётганимдан беҳад хурсандман.

Мен учун бу йил эмас, анча аввал англаб этилган бир ҳақиқат мавжуд: ўтаётган ҳар кунинг, қилаётган ҳар бир ишнинг фақат эзгуликка хизмат қилиши керак.

2. Янги йилда бир қатор ижодий режаларни амалга ошириш ниятим бор. Насиб қилса, яна қаламга қайтишни ўйлаганман. Тарихимизнинг ҳали очилмаган саҳифаларини варақлаб, миллимиз ва ватанимиз тарихида чуқур из қолдирган воқеалар ҳақида катта-кичик асарлар ёзиш ниятим бор.

3. Янги гап айтишим қийин. Олдин ҳам турли сабабу баҳоналар билан тилак билдириш жоиз бўлганда буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг бир ҳикмати айтганман. «Оила ва жамият» ўқувчиларига ҳам шу улуг ҳикмати айтгим келади:

«Уч нарса борким, агар Аллоҳ таоло шуларни бирор одамга берса, унга ҳамма нарса берилган бўлади. Аввалан — сихат-саломатлик, сония — хотир-жамлик, кейин — давлат».

Давлат деганда фақатгина молу дунёни тушунамаслик керак, бу оила, ота-она, фарзандлар, ёру дўстлар ҳамдир.

Янги йилда мана шу уч бойлик барчангизга насиб этсин. Юртимизда равнақ, тинчлик, адолат ҳукорин бўлсин, узоққа кетганлар қайтсин, яқинда турганларимиз бағримизни тўлдирсин, дастурхонимиз тўкин, ҳар бир кунимиз сермаъно ва ёруғ бўлсин.

Гулчеҳра НОСИРОВА,
Муқимий номидаги мусиқа-драма театри актёри,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист
(1964 йили туғилган)

1. Ижод қилиб турган, элнинг эътирофига сазовор бўлаётган санъаткор учун барча йил ҳам баракали, эзгу йил ҳисобланади. Аммо 2011 йил ҳаётимдаги энг эсда қоларли лаҳзаларни тақдим этди, десам адашмайман. Камтарона хизматларим давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирландим. Ота-онам, дўстларим, яқинларим қаторида муҳлисларим ҳам қувончимга шерик бўлишди. Ижодининг, кўп йиллик меҳнатининг рағбатлантирилиши янада шижоат билан ишлашинга замин бўлади. Ўтган йили бир қатор фильмларда катнашдим, театримизда сахналаштирилган «Хонума хоним» спектаклида бош ролини ижро этдим. Дубляжда ҳам бир қанча қаҳрамонларга овоз бердим. Телеэкранларимизда намоиш этилаётган «Опа-сингиллар» телесериалида Анзират ролини ўйнадим. Шу кун-



ларда ҳам янги образлар устида ишляяпман.

2. Келаётган йилдан ҳам умидларим катта. Айниқса, мучал ёшим ижодий фаолиятимни яна бир бор сарҳисоб қилиш учун бир фурсат бўлади. Шу кунларда театримиз жамоаси муҳлисларимизга «Асл ҳазина» номли янги комедияни тақдим этиш арафасида. Мазкур спектаклда Эркинчи образини яратаяпман. Бадиий фильмларга ҳам тақлиф қилишган...

3. Умримизнинг қувончу ташвишларга бой, сермазмун яна бир йили ортда қолмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни кириб келаётган 2012 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Янги йил яхши йил бўлсин!



Эътиқодхон ОТАКУЛОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори
(1988 йили туғилган)

1. Ҳар бир йил ўзидан яхши хотиралар қолдиради. Ёмонлари эса унут бўлиб кетаверади. 2011 йил мен учун ўқиш, излашни ва ижод йили бўлди. Даврий матбуотда, илмий тўпламларда бир қанча публицистик ва илмий мақолаларим билан катнашдим. Ҳозирда «Ўзбекистонда иқтисодий нашрлар: шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги магистрлик диссертацияси устида иш олиб боряпман. Шу билан бирга, жаҳон журналистикаси назарисаи, амалиёти ва тарихи кафедраси-

да фаолият юртайяпман. Умуман олганда, ўтаётган йил самарали бўлганидан хурсандман.

2. 2011 йил 7 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройида Бош Қомусимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, Президентимиз келаётган 2012 йилни «Мустақкам оила йили» деб эълон қилганларини эшитиб, бошим осмонга етди. Юртбошимиз ҳар доим биз ёшларга ишончи юқорилигини таъкидлайдилар. Ўйлайманки, бундай эътироф барча тенгқуларимга катта куч, қанот бағишлайди.

Насиб этса, мучал ёшимда ва Мустақкам оила йилида оила қуриш бўсағасида турибман. Барча дўналаримга фойзли хонадонда чиройли келин бўлиб юриш бахти насиб қилсин. Худо хоҳласа, 2012 йили диссертациямни аъло даражада ёқлаб, магистр даражасига сазовор бўламан. Илмий ишимни аспирантурада давом эттириш ниятидаман.

3. Энг аввало, ҳаммага тинчлик ва соғлик тилайман. Ота-онам, яқинларимни мамнун кўрсам, шунинг ўзи мен учун катта бахт. Ана шундай Бахтни ҳаммага тилайман.

Собир ЎНАР,
ёзувчи, «Ёшлик» журнали
бош муҳаррири (1964 йили туғилган)

1. Умр — сабоқ. Яъни, бошқанинг ўтган умри тирик одам учун ибратдир. Вақт олий ҳакам, дейдилар. Ҳадисларда айтилишича, вақт шамширининг тиғи ҳар нарсадан ўткир. Чунки у тақдирингизни ҳал қилади. Шу боис ўтган ҳар бир соатда бизнинг армонларимиз бор. Мудом қилган ишимиздан қилмаганимиз кўпроқ бўлиб туюлаверади. Шу маънода ўтган йилдан худди ҳозиргидек умидим катта эди. Баъзи ўзгаришлар бўлди. Жумладан, мен фаолият юртайяпман. «Ёшлик» журнали ҳажми 48 саҳифадан 64 саҳифага ошиб, ҳар ойда сифатли қорозда чоп этила бошлади. Ўйлайманки, мазмундорлиги ҳам чакки эмас.

Анчадан бери кутганим — тўртта қисса, ҳикоя ва эсселаримдан иборат «Бибисора» деган тўпламим «Ўзбекистон» нашриётида босилиб чиқди. Уни саксон ёшдан ошган онажоним Солиха Тинибек қизига бағишладим... Яна, бинойидек қалам ҳақи беришди. Бу ҳам янгилик. Шу боис китоб чиқишига бош қўшган инсонлардан жуда миннатдорман.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги бўлиб ўтди. Ҳар бир маҳаллада байрам баҳонасида ке-



Света ЧАЙКИНА,
ёш шахматчи, Тошкент шаҳридаги 102-мактабнинг 5-синф ўқувчиси, болалар орасида ўтказилган республика чемпионатларининг олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби (2000 йили туғилган)

1. Олти ёшимдан бери шахмат билан шуғулланаман. 8, 9, 10 ёшлилар орасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал соҳиби бўлганман. 2011 йили тезкор шахмат бўйича мусобақага катнашиб, «Энг ёш

салар, аёллар, ёш болалар ҳам кўшиқ айтиб, ўйинга тушганини кўрдим. Тинчлик ва доруломон замон қандай яхши! Биз бунинг қадрига кўпроқ етишимиз керак. Ахир, ота-боболаримиз шундай кунларга зор бўлиб ўтиб кетишди-ку!

2. Авваламбор, мучал ёшига тўлаясиз, деб каминага эслатгани ва эътибор учун сеvimлик газетамиз ходимларига минг ташаккур. Чоғи, мен бунинг ўйлаганим йўқ эди. Мучал ёшим экани хаёлимга ҳам келмабди. Балиқ — силлик нарса, тутқич бермайди, сирпаниб қочиб қолишга ҳаракат қилади. Лекин хўракка кўзи ола бўлиб, тўрға ёки қармоққа тушиб қолади. Бошқа мучал соҳибларини билмадим-у, бироқ ўзим балиққа ўхшасам керак...

Бинобарин, савқи табиий равишда 2012 йилдан умидларим, орзуларим катта. Бошлаб қўйган йирикроқ ҳажмли бадиий асарларимни тугатиб олсам, эълон қилсам дейман. Публицист сифатида газета ва журналларда чоп этилган мақолаларимни тўпласам, каттагина китоб бўлар экан. Фақат журъёт ва ҳарфсала керак. Ҳаётнинг алғов-далғов ёки сокин маромига мослашиб, ўралашиб қолмаслик зарур. Шундай дейман-у, яна...

3. «Оила ва жамият» — чин маънода мустақиллик тенгдоши. Шу боис газета ўз йўналиши, мақсад-вазифасидан келиб чиқиб, хаёт билан, бугунги тараққиёт билан баб-баравар қадам ташлаши керак. Ниятим, жамоадан ана шундай жиддий ижодкорлик руҳи ўзгирмасин. Мустақиллик — неъмат, ҳуқуқ, имконият. Ушбу йўлда барча қалам аҳлининг ҳам сўзи кескир бўлишини тилайман. Соғломлик, боши омонлик барчани тарқ этмасин!

шахматчи», «Энг кўп очко соҳиби» номинацияларига муносиб топилдим. Ўзбекистон чемпио-натиде бронза медал билан тақдирландим.

Бир ёшга улғайиб, бошланғич таълимни тугатиб, 5-синфда ўқий бошладим. Бир неча янги дўстлар орттирдим. Менимча, тенгдош дўстларимиз учун мамлакатимиз тинч бўлса, ота-онамиз соғ-саломат юрса, йилнинг яхши-ёмони бўлмаса керак. Шундай осойишта ва серкуёш юртимизда биз болаларнинг ҳар бир кунимиз байрам ушодиёналар, хурсандчиликлар билан ўтади.

2. Келаётган йилда пухта билим олиш билан бирга, спортда ҳам янги-янги чўққиларни забт этмоқчиман. Ҳозир келгузи йили ўтказиладиган бир қанча мусобақаларга тайёргарлик кўраяпман. Худо хоҳласа, жаҳон чемпионатларида катнашиб, она юртимга олтин медаллар билан қайтаман.

3. Барча дунё болаларига шодлик, бахт, омад тилайман. Ота-оналаримиз, устозларимиз соғ-саломат бўлишин.

«Оила ва жамият» муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА тайёрлади.

ШҶҮРТАН

ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

2012 — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

муносабати билан барча
юртдошларимизни самимий муборакбод этади!



Янги йилда орзу-умидларингиз
ушалиб, эзгу ниятларингиз ҳамроҳ
бўлмоғини Яратгандан тилаб
қоламингиз.

Озод ва обод Ватанимизни шунинг-
осойишталик, барқарорлик ва
тўққинчилилик асло шарк этмасин.

Реклама

2012 ЙИЛ

**ХОСИЯТЛИ,
ХАЙР-БАРАКАЛИ КЕЛСИН.**

Янги йилингиз кутлуғ бўлсин,
муҳтарам юртдошлар!



Кадим замонлардан бери бозорлар ҳар бир ўлка халқининг турмуш тарзини акс эттирувчи ўзига хос кўзгу сифатида эътироф этиб келинган. Дарҳақиқат, ўзга юртли меҳмон биринчи ўлда ўша жойнинг бозорларини томоша қилиб, турли хил маҳсулотларнинг сифати, нарх-навоси билан қизиқади. Шу маънода кўҳна ва ҳамisha навқирон манзил бўлмиш Бухороий Шариф асрлар давомида нафақат ўзининг гўзаллиги, ҳашаматли осори атиқалари билан, балки

кулай шарт-шароитлар яратиш, уларни солиқ қончилигига оид янгиликлардан ўз вақтида хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда 2011 йил учун бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматларнинг республикада белгиланадиган янги минимал миқдорлари тасдиқланиб, шу юзасидан вилоят ҳокимининг 2011 йил 17 февралда махсус қарори қабул қилиниб, тадбир-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини имзолаган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, молия ҳамда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят бошқармалари билан биргаликда деҳқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) паспорти тузиш ишлари ниҳоясига етказилиб, ихтисослашуви ва

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

2011 йилнинг ўн бир ойида тадбиркорлик субъектлари томонидан 88 та НКМ ўрнатилди, 69 та субъект тўлов терминаллари билан жиҳозланди, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 205 та НКМлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги қарорининг 6-банди талабларига биноан тўла равишда модернизацция қилиниб, тегишли мувофиқлик сертификатлари берилди.

Афсуски, ҳукуратимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган қатор имтиёз ва қулайликларга қарамадан, қонунларга зид равишда ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринаётган "уддабурон" ишбилармонлар ҳам учраб турибди. Ўтказилган режали тадбирлар натижасида шу йилнинг 11 ойи давомида тадбиркорлик субъектларида 30 та қисқа муддатли текширишларнинг барчасида 1 миллион 400 минг сўмлик чек ёки унга тенглаштирилган квантациялар бермаслик, 27 ҳолатда 2 миллион 900 минг сўмлик савдо пулларини яшириш, 18 та ҳолатда терминал ўрнатмаслик ва уни ишлатмаслик ҳолатлари аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан молиявий ва маъмурий жарималар қўлланилди.

Зулфия ХАЛИЛОВА,
Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати ходими.
Акмал ҚУРБОНОВ
Вобкент тумани ДСИ бошлиғи биринчи ўринбосари.

Савол-жавоб

Меросхўр йўк, уй кимга қолади?

Маҳалламизда яшовчи ёлғиз онахон яқинда вафот этди. Унинг фарзандлари йўк, эри эса олти йил аввал қазо қилган эди. Энди улар яшаган уй кимга тегишли бўлади?

Т. Ҳафизов,
Учкўприк тумани.

— Агар қонунга биноан ёки васият бўйича ҳам бу уйга меросхўрлар чўкмаса ёки меросхўрлардан бирортаси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса, ёхуд улар меросдан воз кечган бўлса, мол-мулк эгасиз ҳисобланади.

Мерос қолган мол-мулк мерос қайд этилган ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан сўнг суд қарори асосида эгасиз деб топилди. Бу жой агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган мuddат ўтишдан олдин эгасиз деб ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтди. Эгасиз қолган мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш Фуқаролик кодексининг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Саволга Фарғона вилояти Учкўприк туман 2-сонли ДНИ нотариуси Авазхон УСМОНОВ жавоб берди.

Килимиш-кидирмиш

Кўза куниди синди...

Бешарик туманида яшовчи О. Зафаров (исми-шарифлар ўзгартрилган) тадбиркорликнинг антика усулини таллади. Тўғрироғи, у ўз хонадониди қонунга хилоф равишда лазер дисклари сотиш ва қайта ёзиб қўлайтириш билан шуғулланиб келаётган эди. Туман ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган қисқа муддатли текширув давомида ундан 11 турдаги, умумий қиймати 3718,3 минг сўмлик маҳсулотлар шўбвий далил сифатида олиб қўйилди. Маъмур ҳолат юзасидан Бешарик туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛКК бўлими томонидан жиноят иши кўзгатилади.

Фарғона туманининг чегара ҳудуди саналган Лоғон қишлоғида яшовчи Т. Рустамов ҳам ўз уйини "қўлбола" савдо дўконига айлантириб, яширилган савдо-сотик ишларини қизитиб юборди.

Кўза кунда эмас, кунда синди, деганларидек, туман солиқчилари бу хонадонда ноконуний равишда қарийб ярим миллион сўмлик алкоғоли ва озиқ-овқат маҳсулотлар сақланаётганини аниқлағач, уларни ашўвий далил сифатида рўйхатдан ўтказишда пайтада ушбу "сохта" тадбиркорлик юзасидан суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилоят ДСБнинг ахборот хизмати бошлиғи.

Бозорлар — юрт кўзгуси

гавжум ва тўкин-сочин бозорлари билан ҳам барчани ўзига ром этиб келаётти.

Айниқса, мустақиллик йилларида вилоятнинг барча туманларида улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди. Биргина Вобкент тумани мисолида айтадиган бўлсак, бу гўшада замонавий ва ҳар томонлама қулай шароитларга эга савдо комплекси қуриб, ишга туширилди. Бозор ҳудудида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ўзбошимчилик билан солиқ қончилигига зид равишда иш тутаетган айрим қонунбузарларга тегишли тартибда жазо чоралари қўллаш бўйича доимий равишда назорат ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолининг талаб-эҳтиёжларига яраша савдо хизмати кўрсатишга ихтисослашган субъектлар ҳамда тадбиркорлар учун

корлар ва харидорларга янада қулайликлар яратиш мақсадида тегишли маълумотлар бозор ва савдо комплексларининг барча кириш жойлари ҳамда махсус кассалар олдида осиб қўйилиши таъминланди.

Республика деҳқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, алоҳида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимларини тўлиқроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 26 апрелда "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада тако-

иш тартиби, турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари миқдори ва жойлашуви, ҳудудида мавжуд бўлган инфраструктура объектлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

Олиб берилаётган кенг миқдосдаги профилактик тадбирлар натижасида 2011 йилнинг шу даврига қадар Вобкент туманида 36 нафар тадбиркорлик субъекти янгидан рўйхатга олинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ҳозирги кунга келиб, туман ДСИдан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган 226 та турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасининг 21 таси қатъий ҳисобдаги квантациялар билан ишляпти. Назорат касса машинаси ўрнатилиши лозим бўлган 226 та турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасининг 205 таси ёки 90,7 фоизи НКМ билан, 174 таси ёки 77 фоизи тўлов терминаллари билан жиҳозланди.

МУНОСАБАТ

Маънавият маскани

Оила маънавий жиҳатдан баркамол бўлсагина, жамиятга қомил фарзандлар етиштириб беради. Бахтни орзу қиладилар, лекин у ўз-ўзидан остона ҳатлаб кириб келмайди. Унга эришилади. Оилада ўзаро ҳурмат, аҳиллик барқарор бўлиши учун ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб ишлашимиз шарт.

Ўзимдан қиёс: ёшим етмишдан ошди. Худога шукр, тўрт нафар фарзандим бор. Уларнинг барчаси ўқимшли, оилапарвар. Бир-биридан ширин 12 нафар набирам атрофимда парвона.

Қуни кеча телевизорда Юртбошимизнинг 2012 йили "Мустаҳкам оила йили" деб аташни тақлиф қилганларини эшитиб, қувониб кетдим. Оилаларга кўрсатилаётган бундай эътибор, гамхўрлик беиз кетмаслигига аминман. Инсон оиласида бахтли бўлсагина, эл қорига ярайди, ишида унум бўлади.

Илоҳим, юртимиз тинч бўлсин, бу каби хайрли саъй-ҳаракатлар давом этаверсин.

Раҳимахон ИЛҲОВОВА,
меҳнат фахрийси.
Наманган шаҳри.

Қулай, ишончли, тезкор

Иш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш тобора долзарблашиб бормоқда. Солиққа оид муносабатларда ҳам ҳар икки тарафга қулайликлар яратиши билан муҳим ўрин тутаеттир.

Давлат солиқ хизмати органлари интернет тармоғи орқали жорий этган интерактив хизматлар солиқ тўловчилар билан ишончли ва қулай маълумот айирбошлашни таъминлаб, ўзаро мулоқотнинг янги шаклини юзага келтиради. Ушбу хизматлардан фойдаланувчиларга бир қатор қулайликлар яратилади. Солиқ ва молиявий ҳисоботлар интернет тармоғи орқали юборилганда, ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган мантқиқий ва арифметик хатоликлар олди олинади, ҳисобот шаклларини харид қилиш харажатлари, солиқ инспекциясига бориб-келиш учун кетадиган вақт тежалди. Бундан ташқари, ҳисоботларни куннинг исталган пайтида (24 соат мобайнида) солиқ органларига жўнатиш мумкин.

Интерактив хизмат туридан фойдаланишда солиқ тўловчилар ҳисобот шаклларига киритилган ўзгаришлардан, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблардан ва бошқа мажбуриятлардан ўз вақтида хабардор бўладилар.

Н. ҲАФИЗОВ,

Тошкент шаҳар Бектемир туман ДСИнинг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи.
Н. НАВРҮЗОВА,
шу бўлимнинг бош давлат солиқ инспектори.

Камерал назорат — замон талаби

Камерал назорат тартиби Солиқ Кодекси, Адлия вазирлигидан рўйхатга олинган тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат солиқ қўмитасининг идоравий буйруқлари асосида ишлаб чикилган.

Камерал назорат солиқ тўловчининг олдига бормасдан молиявий ва солиқ ҳисоботларини текшириш жараёни бўлиб, бунда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида талабномалар тақдим этилади. Шу юзасидан қонунчиликда белгиланган мuddатларда асословчи маълумот ёки қайта ҳисобот топширилса, камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинади. Натижда, қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ, текширишлар оқибатида муқаррар равишда юзага чиқадиган ҳуқуқбузарликлар олди олинди, солиқ тўловчилар жарима жазосига тортилишдан холи қоладилар.

Бир сўз билан айтганда, камерал назорат яширилган ёки кам ҳисобланган тўловларни ошқор қилиш билан бирга, солиқ тўловчининг фаолиятига мутлақо аралашмай, хатоликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш имконини яратади.

Асқар АҲРОРОВ,

Сирғали туман ДСИнинг камерал назорати бўлими бошлиғи.

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

"ADHAM AUDIT"

ўқув-консультатив маркази тақлиф этади:

35 йиллик бухгалтерлик малакасига эга, айни пайтада фаолият юритаётган бухгалтер-ревизор ўзи яратган махсус интерфас ул усул асосида 2 ойда фирмаларга бош ҳисобчилар тайёрлайди. Ушбу дастурда 0 дан то балансгача ва барча солиқ ҳисоботларини тузишгача бўлган ишлар амалга оширилади.

1. Хизмат кўрсатиш, улгуржи, чакана савдо+солиқлар бир йўла.
2. Малакали бухгалтерлар учун 1 СТ,7 дастури 6 кунда ўргатилади (80 000 сўм)
3. Фирмалар бухгалтериясини тиклашда кўмаклашамиз.
4. Йиллик баланс тузишда ёрдам берамиз.

Маъмулотлар ҳафтагача икки марта икки соатдан 2 ой. Бошланғич соат 9-00, 11-00, 14-00, 16-00 да. Ун кишилик гуруҳларда 100 000 сўм. Маъмулотларда қатнашганларга махсус сертификат берилади. Ҳақ тўлаш усули — нақд, пластик қарточка ҳамда пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 24.
Мўлжал: "Abdurauif" мебель дўкони, 3-қават.
Мурожаат учун тел: 746-90-15

«Уядабуро» Қорбобо»

— Индинга синфимизда Янги йил бази бўлади. Менга чиройли кўйлак олиб беринг, — оёйсига илтимоз қилди Гулноза.

— Яна кўпроқ пул ҳам беринг. Чунки Қорбобо биз билан лотерея ўйнаган экан. Ким лотереяни яхши ўйнаса, қимматбаҳо совға олармиш, устозимиз айтди.

— Зўр-ку, бу йилги байрам бошқача бўларкан-да. Майли, қизим, кўйлак олиб бераман.

Саёҳат қизининг хурсандлигини кўриб, унга ҳавас билан қараб қўйди. Эртасига бозорга тушиб, йигиб қўйган пулларига чиройли кўйлак сотиб олди. Ниҳоят, қизи кутган кун ҳам келди. Она-бола байрамга астойдил тайёргарлик кўришди. Уйдан чиқишдан олдин Гулноза онасининг қўлига шеър, топилмоқлар ёзилган қоғозни тутқазиб, яна бир марта



такрорлаб олди.

— Бўлди, қизим, ҳаммасини ёдлабсан. Қорбобонинг олдида ҳаяжонланмай айтавер.

Кечки пайт мактабдан қайтган Гулно-

ХАНГОМА

занинг кайфияти йўқлигини кўрган ойиси ундан сўради:

— Нима бўлди, қизим? Янги йил бази қолдирилдими?

— Йўқ. Фақат Қорбободан хафа бўлдик.

— Келмадимми?

— Келди... Фақат... Қорбобонинг қоғида совғалар ёзилган қоғозчалар бор экан. Ким беш юз сўм тўласа, қопга қўлини тикиб қоғозчаларни олади.

— Хўш, хўш... кейин нима бўлди? — қизиксиниб сўради ойиси Гулнозани шошириб.

— Ҳеч кимга совға чиқмади. Шу ҳолос.

— Ҳа, нимасини айтасан, қизим, мактабга келган Қорбобо тадбиркор экан-да. Майли қўявер, хафа бўлма. Совғанинг энг яхшисини ўзим бераман...

Нигора РАҲМОНОВА

СПОРТ СПОРТ

«Гимнастика барча учун»

Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган «Гимнастика барча учун» Ўзбекистон очик чемпионати якунланди.

Мазкур беллашувда 300 нафарга яқин спортчилар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Гўзал рақслар, нафис ҳаракатлар уйғунлигини ўзида акс эттирган бу мусобақа дастури доирасида бадий ва спорт гимнастикаси, трамплин, фольклор, замонавий ракс сингари қатор йўналишлар бўйича ғолиб деб топилган спортчи қизлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус соврин ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Ўзбекка «айланган» Жирков

Ўзбекининг қалампир нусха дўпписи-ни кимлар киймаган дейсиз. Махач-қалъанинг «Анжи» жамоасида тўп сура-



ётган, яқинда Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси деб топилган ҳамюртимиз Одил Аҳмедов ана шундай дўппини ўзи кийиб, миллийликни тарғиб қилиш билан бирга, жамоадорларига ҳам дўппи совға қилди. Хусусан, Россия терма жамоаси аъзоси Юрий Жирковга ўзбек дўпписи жуда ҳам ярашар экан. Нима дедингиз?

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан 2003 йил 24 январда берилган рестр тартиб рақами 10-000856 бўлган гувоҳнома №000856 «Kamila Savdo Biznes» МЧЖ тугатилади. Даъволар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон 777-18-78

Юсупова Михри номига берилган Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Янгиобод даҳаси Қирғизбой ота кўчаси (собиқ Ткаченко) 1-тор кўча 2-уйининг №1004011030353030001 рақамли «Уй режаси» йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайди!

2012 йил чин маънода Мустаҳкам оила йили

бўлишига тилакдошимиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва саодат ҳамиша ёр бўлсин, азизлар!

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Каштанчилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тикувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни муноққ тегиш — 2 ой.
Сунъий гул яшаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан

Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ

Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик қийим бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

«ZENN-SHANS»

нодавлат таълим муассасаси

Абитуриентлари олий ўқув юртигага ўқишга кириш учун куйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, тарих, инглиз, рус ва немис тили. Маъмулотлари фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб боради.

Марказ дарсларнинг юқори даражада сифатида кафолат беради. Назарий ва амалий машғулотлар махсус зуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс аздавалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Маъмулотлар сентябрь ойдан 1 августгача — 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Охириги беш йилликда абитуриентларимиз 85-90% ўқишга қабул қилинди.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус, инглиз ва немис тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бионинг 1-қавати).
Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, Юнусобод деҳқон бозори қаршисида. «Ўктамбанк» ёнида.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 221-35-56, 221-86-09.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реплама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буортма Г — 1228. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 7445. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАБОРОВ

Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ

Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,

Гулноза БОБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 X 5